

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш  
академияси бошлиғининг  
ўринбосари  
адлия катта маслаҳатчиси**

  
**Д. Л. Турахонов**

2024 йил “ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_

**КОРРУПЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШ АСОСЛАРИ**

**ўқув курсининг**

**ДАСТУРИ**

**Тошкент – 2024**

**Коррупцияга қарши  
курашиш илмий-таълим  
маркази йиғилишида  
муҳокама этилди**

**2024 йил “25” ноябрь**

**Тузувчи:**

**Борсиева Замират Хасанбековна**  
Коррупцияга қарши курашиш илмий-таълим маркази катта прокурори

**Такризчилар:**

**Исмаилов Баҳодир Исламович**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва  
ҳуқуқий сиёсат Институтини Халқаро муносабатлар соҳасидаги қонунчилик  
шўъбаси раҳбари, ю.ф.д., профессор

**Астанов Истам Рустамович**  
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Криминалистика ва суд  
экспертизалари Кафедра бошлиғи, ю.ф.д., профессор

## Кириш

### Ўқув предметининг мақсади ва вазифалари

Ушбу ўқув курси кенг жамоатчилик учун мўлжалланган бўлиб, коррупцияга қарши кураш механизмларини тушуниш ва ҳуқуқий саводхонликни оширишни истаганлар учун ишлаб чиқилган. Дастур кундалик ҳаётда ва касбий фаолиятда коррупция хавф-хатарларини аниқлаш ва олдини олиш усулларини ўрганишни хоҳловчилар учун мўлжалланган. Курс иштирокчилари қонунчилик, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва шаффофлик ҳамда ҳалоллик принципларини илгари суришда самарали воситалар ҳақида амалий билимларга эга бўладилар. Курс фаол фуқаролик позициясини шакллантириш ва коррупцияга қарши маданиятни қўллаб-қувватлайдиган жамиятни ривожлантиришга қаратилган.

#### **Курснинг мақсади (мавзулар бўйича):**

##### ***Коррупциянинг моҳиятини тушунишни шакллантириш:***

Тингловчиларни коррупция тушунчаси, унинг турлари ва ҳақиқий ҳамда қабул қилинган коррупция ўртасидаги фарқлар билан таништириш.

Коррупцион вазиятларни мисоллар орқали ўрганиб, бу ҳодисанинг сабаблари ва оқибатларини теранроқ англашга ёрдам бериш.

Коррупциянинг олдини олиш воситаларини ўрганиш:

Репрессив чоралар тизимни ўзгартириш учун етарли эмаслигини тушунтириш ва профилактик ёндашувларнинг аҳамиятини кўрсатиш.

##### ***Этик ҳулқ ва профессионал стандартларни ривожлантириш:***

Коррупциянинг олдини олишда этик принципларнинг аҳамиятини тушунтириш.

Ҳулқ-атвор кодексларининг асосий жиҳатлари ва уларни амалиётга жорий этиш усулларини ўрганиш.

Совғалар қабул қилиш ёки лоббистик таъсир каби этик дилеммаларни таҳлил қилиш ва ҳал қилиш кўникмаларини ривожлантириш.

##### ***Манфаатлар тўқнашуви ва номувофиқликларни бошқариш:***

Манфаатлар тўқнашуви тушунчаси, унинг турлари ва ундан қочиш йўллари билан таништириш.

Манфаатлар тўқнашувини бошқариш механизмларини, жумладан, тегишли ҳуқуқий асосларни ислоҳ қилишни ўрганиш.

Лавозимни тарк этгандан кейинги чекловлар қоидалари билан таништириш:

Давлат хизматчиларини ишдан кетгандан сўнг бўладиган чекловлар қандай қилиб коррупциядан ҳимоя қилиши ва тизим шаффофлигини таъминлашини тушунтириш.

Бу чекловларни жорий этиш ва уларга риоя қилиниши устидан назорат қилишни ўрганиш.

##### ***Совгалар ва бошқа имтиёزلарни тартибга солиш:***

Совғалар қабул қилишнинг этик ва ҳуқуқий жиҳатларини, шу жумладан, рамзий совғалар ва таъсир кўрсатишга уриниш ўртасидаги фарқни тушунтириш.

Совғалар қабул қилишнинг ҳалолликка хавф солиши мумкин бўлган ҳолатларини кўриб чиқиш ва уларни бошқариш усулларини таклиф қилиш.

***Активларни декларация қилиш тизимларидан фойдаланиш:***

Активларни декларация қилишнинг шаффофлик ва ноқонуний бойишнинг олдини олишдаги аҳамиятини кўрсатиш.

Бу соҳадаги халқаро стандартлар ва энг яхши тажрибаларни ўрганиш.

***Коррупцияга қарши курашда ахборотдан эркин фойдаланишнинг роли:***

Оммавий ахборотдан эркин фойдаланиш қандай қилиб давлат институтларининг шаффофлигини ва ҳисобдорлигини таъминлашини тушунтириш.

Ахборот эркинлигини таъминлаш усулларини ва хабар берувчиларни ҳимоя қилишни кўриб чиқиш.

***Аналитик фикрлаш ва билимларни амалда қўллаш кўникмаларини ривожлантириш:***

Амалий сценарийлар, машқлар ва казуслар орқали тингловчиларни воқеий вазиятларда қарор қабул қилиш усулларига жалб қилиш.

Этик дилеммаларни ҳал қилишда ва антикоррупцион воситаларни қўллашда ишончни шакллантириш.

***Халқаро стандартлар ва ёндашувлар бўйича билимларни чуқурлаштириш:***

Европа Кенгаши ҳужжатлари ва GRECO тавсиялари билан таништириш ва уларнинг амалиётда қўлланилишини ўрганиш.

Коррупцияга қарши курашда давлатлараро ҳамкорликнинг аҳамиятини таъкидлаш.

***Барқарор антикоррупцион маданиятни яратиш:***

Давлат хизматлари учун юқори стандартлар заруриятини англашни ривожлантириш.

Жамиятнинг давлат институтларига бўлган ишончини шахсий намуна ва нормаларга риоя қилиш орқали мустаҳкамлаш.

Ушбу курс тингловчиларни антикоррупцион курашнинг назарий асослари ва амалий кўникмаларини ўзлаштиришга йўналтиради, халқаро стандартлар ва этика талабларига асосланган ёндашувларни илгари суради.

**Курс мавзуларидан кутилаётган натижалари:**

**Коррупцияни тушуниш:**

Тингловчилар коррупция тушунчаси, унинг турлари ва сабаблари ҳақида чуқурроқ тушунчага эга бўлади.

**Антикоррупцион воситалардан фойдаланиш:**

Коррупция хавфларини баҳолаш, аудит ўтказиш ва шаффофликни таъминлаш усулларини амалга ошира олади. Коррупциянинг олдини олиш учун самарали воситаларни қўллашни ўрганади.

#### **Этик ҳулқ-атворни амалиётга жорий этиш:**

Этик принциплар ва одоб-ахлоқ кодексларини фаолиятга қўллаш кўникмаларига эга бўлади. Этик дилеммаларни таҳлил қилиш ва уларга самарали ечимлар топишни ўрганади.

#### **Манфаатлар тўқнашувини бошқариш:**

Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлай олади ва уларни бошқариш бўйича самарали қарорлар қабул қилади.

#### **Пост-иш чекловларига риоя қилиш:**

Давлат хизматчиларининг лавозимдан кетгандан кейинги чекловлари бўйича қоидаларга риоя қилишни тушунади. Пост-иш чекловларини самарали амалга оширишда кўникмага эга бўлади.

#### **Совғалар ва бошқа имтиёзларни бошқариш:**

Совғаларни қабул қилиш билан боғлиқ ҳолатларда ҳалолликни таъминлайди ва муаммоларни бартараф этишни ўрганади.

Совғаларни қабул қилишнинг ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатларини тушунади.

#### **Активлар декларацияси тизимларини тушуниш ва қўллаш:**

Активларни декларация қилиш орқали ноқонуний бойишга қарши курашиш усулларини ўзлаштиради. Халқаро стандартларга асосланган декларация тизимларини таҳлил қила олади.

#### **Ахборот эркинлигини таъминлаш:**

Ахборотдан эркин фойдаланиш ва унинг коррупцияга қарши курашдаги аҳамиятини тушунади. Хабар берувчиларни ҳимоя қилиш ва ОАВ эркинлигини қўллаб-қувватлаш бўйича билимга эга бўлади.

#### **Амалиётга асосланган қарор қабул қилиш:**

Амалий сценарийлар ва машқлар орқали антикоррупцион вазиятларда самарали ечимлар ишлаб чиқади. Этик ва ҳуқуқий муаммоларни ҳал этиш кўникмаларига эга бўлади.

#### **Халқаро стандартларни қўллаш:**

UNCAC, Европа Кенгаши ва GRECO стандартлари асосида коррупцияга қарши чора-тадбирларни жорий этишда мустақил тажрибага эга бўлади. Халқаро стандартлар ва тавсияларни амалий фаолиятга қўллашни ўрганади.

#### **Шаффоф ва барқарор бошқарувни ривожлантириш:**

Давлат хизматларида шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлайдиган профессионал хулқ-атвори шакллантиради. Давлат институтларига бўлган ишончни оширишга ҳисса қўшади.

### **Ўқитишда фойдаланиладиган замонавий педагогик ва ахборот технологиялари.**

Ўқув модули доирасидаги машғулотлар - назарий ва амалий машғулотлар ҳамда мустақил таълим шаклида олиб борилади.

Маъруза давомида ўқитувчи томонидан ўқув дастурида белгиланган мавзулар кўргазмалар слайд материалларидан фойдаланган ҳолда маъруза шаклида олиб борилади.

Ўқув жараёни қуйидагилар ҳисобга олинган ҳолда ташкиллаштирилади: танқидий ва ижодий тафаккурни ривожлантиришга йўналтирилган ўқитишнинг интерактив методларидан, шунингдек замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиб тингловчиларнинг мустақил фикрлаш маҳоратларини ошириб бориш;

ўқув машғулотлари мавзуси доирасида хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш борасида фикрлар алмашинувини йўлга қўйиш.

Ўқитиш жараёнида таълимнинг ақлий ҳужум, муаммоли вазият, кейс-стади, кластер, бошқаларни ўқитиш орқали ўрганиш каби замонавий методларидан фойдаланилади.

Машғулотларда қуйидаги воситалардан фойдаланилади:

ўқув-услубий воситалар – презентация, тарқатма материаллар, меъёрий ҳужжатлар, тест ва сўровномалар, вазифа ва топшириқлар, ахборот ресурсларига доир маълумот ва бошқалар.

Дистанцион курс *proacademy.uz* виртуал таълим платформасида ўтказилади, у ерда профессор-ўқитувчилар ва тингловчилар учун масофавий қўллаб-қувватлаш тизими ташкил этилган. Платформа замонавий технологияларга асосланган бўлиб, билим олиш жараёнини самарали, интерактив ва қулай қилишга йўналтирилган. Курс материаллари, онлайн машғулотлар ва маслаҳатлар тингловчилар учун куну тун очиқ бўлади. Бу таълим олувчиларга ўз вақти ва имкониятларига мос равишда ўқиш имкониятини тақдим этади.

### **Ўқув модулининг ўқув-тематик режаси**

|                       | Мавзулар                             | Off-line<br>(асинхрон) | On-line<br>(синхрон) | Оралик<br>назорат | Жами<br>соат | Назорат шакли<br>(Assessment)                             |
|-----------------------|--------------------------------------|------------------------|----------------------|-------------------|--------------|---|
| <b>Масофавий курс</b> |                                      |                        |                      |                   |              |   |
| 1.                    | Коррупциянинг тушунчаси              |                        | 2                    |                   | 2            | Казус, тест, назорат саволлари бўйича, амалий топшириқлар |
| 2.                    | Коррупциянинг олдини олиш воситалари |                        | 2                    |                   | 2            | Казус, тест, назорат саволлари, амалий топшириқлар        |

|     |   |  |           |  |           |  |
|-----|---|--|-----------|--|-----------|--|
| 3.  | Ахлоқий тамайиллар ва одоб-ахлоқ кодекслари |  | 2         |  | 2         | Казус, тест, назорат саволлари, амалий топшириқлар |
| 4.  | Манфаатлар тўқнашуви ва номувофиқликлар     |  | 2         |  | 2         | Казус, тест, назорат саволлари, амалий топшириқлар |
| 5.  | Лавозимни тарк этгандан кейинги чекловлар   |  | 2         |  | 2         | Казус, тест, назорат саволлари, амалий топшириқлар |
| 6.  | Совғалар ва бошқа имтиёзлар                 |  | 2         |  | 2         | Казус, тест, назорат саволлари, амалий топшириқлар |
| 7.  | Активларни декларация қилиш                 |  | 2         |  | 2         | Казус, тест, назорат саволлари, амалий топшириқлар |
| 8.  | Ахборотдан эркин фойдаланиш                 |  | 2         |  | 2         | Казус, тест, назорат саволлари, амалий топшириқлар |
| 9.  | Хабар бериш                                 |  | 2         |  | 2         | Казус, тест, назорат саволлари, амалий топшириқлар |
| 10. | Давлат харидлари                            |  | 2         |  | 2         | Казус, тест, назорат саволлари, амалий топшириқлар |
|     | <b>Жами</b>                                 |  | <b>20</b> |  | <b>20</b> |  |

### Ўқув дастурининг мазмуни

#### 1-мавзу. Коррупциянинг тушунчаси.

“Коррупция” атамаси аниқ атамами? Коррупциянинг қандай шакллари мавжуд? “Коррупция” тушунчасини аниқлаш мумкинми?

#### 2-мавзу. Коррупциянинг олдини олиш воситалари.

Нега жамиятни ислоҳ қилиш учун жазо қўллаш (репрессия) етарли эмас? Коррупция хавфлари.

#### 3-мавзу. Ахлоқий тамайиллар ва одоб-ахлоқ кодекслари.

Ахлоқ нима? Коррупциялашган ахлоқ ва ахлоққа зид тушунчалари ўртасидаги фарқи нимада? Нима учун ахлоқ коррупциянинг олдини олишда муҳим ҳисобланади? Одоб-ахлоқ кодекслари қандай аҳамият касб этади? Унда одоб-ахлоқ кодексларига нималар киритилиши керак? Одоб-ахлоқ кодекслари барча турдаги мансабдор шахслар учун бир хилми? Одоб-ахлоқ кодексларини қандай қилиб амалиётга жорий этиш мумкин? Ахлоқий давлат секторини яратишни қандай таъминлаш керак?

#### **4-мавзу. Манфаатлар тўқнашуви ва номувофикликлар.**

Манфаатлар тўқнашуви. “Манфаатлар тўқнашуви” коррупциянинг бир шаклими? Қандай қилиб манфаатлар тўқнашувини тўғри бошқариш мумкин? Мамлакатнинг манфаатлар тўқнашуви тизимини қандай ислоҳ қилиш керак?

#### **5-мавзу. Лавозимни тарк этгандан кейинги чекловлар.**

Нима учун бизда лавозимни тарк этгандан кейинги чекловлар мавжуд? Чекловлар қанча вақт давом этади? Парламент аъзолари ва судьялар учун алоҳида қоидалар. Лавозимни тарк этгандан кейинги чекловларни қандай амалга ошириш керак?

#### **6-мавзу. Совғалар ва бошқа имтиёзлар.**

Совғалар билан қандай муаммолар бор? Совғаларни қандай бошқариш керак? Совғалар ва бошқа имтиёзлар бўйича миллий конунчилик.

#### **7-мавзу. Активларни декларация қилиш.**

Нима учун активлар декларацияси муҳим? (молиявий томони) Нима учун активлар декларацияси муҳим? (шахсий манфаатлар) Европа Кенгаши органлари активлар декларацияси ҳақида нима дейди? Активларни декларация қилиш.

#### **8-мавзу. Ахборотдан эркин фойдаланиш.**

Нима учун ахборот эркинлиги коррупцияга қарши курашда муҳим ҳисобланади? Ахборот эркинлиги тизими қандай ишлайди? ОАВ эркинлиги.

#### **9-мавзу. Хабар бериш.**

Нима учун хабар берувчилар коррупцияга қарши курашда муҳим аҳамиятга эга? Хабар берувчини қандай ҳимоя қилиш керак? Хабар берувчи, маълумот берувчи, ҳимояланган гувоҳ – буларни бир-биридан нима фарқи бор? Хабар берувчилар билан ишлаш шартларини қандай ислоҳ қилиш керак?

#### **10-мавзу. Давлат харидлари.**

Нима учун харидлар жараёнидаги коррупция аҳамиятли? Коррупция хавфларини аниқлаш. Коррупция хавфларини минималлаштириш.

**Ўқув модули бўйича тингловчиларнинг ўзлаштирганлик даражасини ўзини-ўзи баҳолаш мезонлари**

| Ўқув<br>натижалари | Баҳолаш мезонлари (балл) |       |       |        |
|--------------------|--------------------------|-------|-------|--------|
|                    | 1-55                     | 56-70 | 71-85 | 86-100 |

|  |  |  |  |   |
|--|--|--|--|---|
|  | <p>Коррупция шакллари аниқлай олмаслиги. Коррупциянинг ҳуқуқий ва ижтимоий оқибатларини тушунмаслиги. Коррупцияга қарши кураш бўйича амалиётларда иштирок этиш қобилияти етишмаслиги. Одоб-ахлоқ кодексларининг аҳамиятини англамаслиги. Амалиётда уларни қўллаш қобилиятига эга эмаслиги.</p> | <p>Коррупция шакллари бир нечтасини билиши. Коррупциянинг оқибатларини умумий даражада Коррупциянинг олдини олиш воситаларини қисман тушуниши. Ахлоқий тамойиллар ва кодексларни қисман тушуниши. Кодекслардаги асосий қоидаларни умумий тушунган ҳолда тушунтириши.</p> | <p>Коррупция шакллари тўғри аниқлай олиши. Коррупциянинг оқибатларини таҳлил қилиш қобилияти. Коррупциянинг олдини олиш воситаларини яхши тушуниши. Амалиётда уларни қўллаш олиши. Ҳукумат ёки ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган механизмларни таҳлил қилиши. Ахлоқий тамойиллар ва одоб-ахлоқ кодексларини яхши тушуниши. Улардан фойдаланиб муаммоларни ҳал қила олиши.</p> | <p>Коррупция тушунчасини тўлиқ тушуниши ва ифода қила олиши. Барча асосий шакллари аниқлай олиши. Коррупциянинг ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий оқибатларини чуқур таҳлил қилиши. Коррупциянинг олдини олиш воситаларини тўлиқ тушуниши ва амалиётда қўллаш олиши. Воситаларнинг самарадорлигини таҳлил қилиши. Ахлоқий тамойиллар ва одоб-ахлоқ кодексларини чуқур тушуниши ва фойдаланиши.</p> |
|--|--|--|--|---|

## Ахборот манбалари рўйхати

### 1. Асосий адабиётлар:

1. Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2016., 56 б.
2. Ш.М.Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017., 48 б.
3. Ш.М.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017., 104 б.

### 2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2023
2. “Коррупция қарши кураш тўғрисидаги” 2017 йил 3 январь, №ЎРҚ-419. Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами, 2017 й., № 1.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Манфаатлар тўқнашуви” тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 05.06.2024-йилдаги ЎРҚ-931-9 сон. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.06.2024-й., 03/24/931/0402-сон). <https://lex.uz/ru/docs/6952745>
4. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) Тошкент: Адолат, 2014 (2018 йил 4 апрелгача (ЎРҚ-470) бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан).
5. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) Тошкент: Адолат 2014 (2017 йил 12 апрелгача (ЎРҚ-428) бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан).
6. Ўзбекистон Республикасининг "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида" ги Қонуни, 2007 йил 15 январда ўзгартирилган, ЎРҚ-78-сон.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрирда).
8. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири).
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида” 27.11.2023 йилдаги, ПФ-200-сон.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилиш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни

баргараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4725-сон Фармони.

### 3. Қўшимча адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасида “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида Миллий маъруза”. Т.2024.

<https://anticorruption.uz/storage/lt9lqAa1tum639l22ZUilmhXXKWj4s-metabWlsbGl5IG1hcnV6YV9jb2lwcmVzc2VkLnBkZg==-.pdf>

2. Коррупцияга қарши курашиш. Дарслик. // Масъул муҳаррир: А.Ш. Бекмуродов: – Тошкент: “Академиа”, 2022. – 344 б.

3. Коррупцияга қарши курашиш. Дарслик. Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси. 2024. Доступно: <https://proacademy.uz/uz-cyr#mainsection>).

4. Коррупция алифбоси. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги. <https://anticorruption.uz/uz>

5. OECD Guidelines on Managing Conflict of Interest in the Public Service. OECD, 2003. – Рекомендации Организации экономического сотрудничества и развития по управлению конфликтами интересов в государственном секторе.

### 4. Электрон таълим ресурслари:

1. <https://anticorruption.uz/ru>

2. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) – норматив ҳуқуқий ҳужжатлар базаси

3. [www.oecd.org](http://www.oecd.org) –ОЕСД материаллари

4. [www.unodc.org](http://www.unodc.org) – БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (UNCAC) ресурслари